

---

## ОҚТЕПА ЙЎЛЛАРИ ТЕКИС ВА РАВОН БЎЛДИ

Бувайда тумани Оқтепа МФЙнинг “Она замин”, “Фирдавс” ва “Бирлашган” кўчалари “Обод маҳалла” дастури доирасида таъмирланди. “Она Замин” кўчасининг бир километр, “Фирдавс” ва “Бирлашган” кўчаларининг 1.4 километр қисмига дастлаб текислаш учун шағал ётқизилди. Сўнгра, цемент бетон қоришмаси билан бетонланди. Йўлларни таъмирлаш ишлари Бувайда ТЙФУ корхонаси томонидан тез ва сифатли амалга оширилди. Ҳозирда кўчалар текис ва равон. Бундан маҳалла аҳолиси фоят мамнун.  
Туман ҳокимлиги ахборот хизмати.

2023-01-12 13:17:08